СУҒУРТА ТАШКИЛОТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ РИСКЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Oriental университети

Молия ва менежмент кафедраси доценти

Баймуратова Гулирайхон Т

Молиявий рискларни баҳолашда концептуал ёндашувларни шакллантириш долзарб эканлиги қайд этилган бўлиб, субъектларнинг молиявий фаолияти натижаларига бевосита ёки билвосита таъсири масаласи тадқиқ этилган. Хусусан, рискларни бошқариш фаолиятининг асосий вазифаси кўрилиши эҳтимол бўлган рискни баҳолаш ва таҳлил қилиш, унинг омилларини аниқлаш орқали рискларни минималлаштириш усулларини танлаш ҳисобланиши кўрсатиб ўтилган. Муаллиф молиявий риск даражасини баҳолашнинг замонавий услублари, масалан, Ўзбекистон суғурта ташкилотлари мисолида молиявий операциялар даромадлилиги даражасини аниқлаш юзасидан зарурий услубий воситаларни келтирилган. Риск омилларини ҳисобга олган ҳолда молиявий операциялар даромадлилигининг зарурий даражасини шакллантиришга бўлган бундай ёндашув умуман суғурта ташкилотларининг молиявий фаолияти жараёнида кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлашга имкон беришини амалий мисолларда ёритиб берганлиги эътиборга моликдир.

Жаҳон иқтисодиётида мутлоқ хавфсизлик тушунчасини рад этиб, мақбул риск категориясини қўлламоқда. Унинг моҳияти эса муайян даврийлик давомида жамият қабул қиладиган хавфсизлик даражасига эришилишини назарда тутади.

Шу нуқтаи назардан, “молиявий риск” категорияси иқтисодий шароитида молиявий фаолиятга таъсир кўрсатадиган тизимли омиллар баҳоланишини талаб этиладиган ноаниқликдир. Молиявий рискларнинг манба ва омиллари шу қадар

кенг кўламлики, уларни баҳолашнинг универсал ягона услубиёти ҳақида мулоҳаза юритиш самарасиздир. Бу жараёнда, ўзаро "қарама-қарши" бўлган омиллар тизимли тарзда: *бир томондан*, ноаниқлик даражаси ортишига, *иккинчи томондан*, рискни смарали бошқариш имкониятлари юзага келишига ҳам сабаб бўлади[1].

Рискни бошқариш усулини танлашда, эҳтимолликка кўра, ушбу ҳодиса юз беришида оқибатида максимал йўқотиш даржасини, ҳисоблаш, уни шу тоифадаги рискка дучор бўлган капитал миқдори билан таққослаш, сўнгра, жами йўқотишларни ўз молиявий рисурслари миқдори билан таққослаш масадга мувофиқдир. Шунга кўра, риск-менежментнинг асосий вазифаси рискни таҳлил қилиш ва баҳолаш орқали уни минималлаштириш усулларини аниқлаш ва танлашдан иборат.

Ҳозирги вақтда риск иқтисодий фаолиятнинг ажралмас таркибий қисми сифатида мақсадли ўрганилмоқда. Шу нуқтаи назардан, рискнинг қуйидаги таърифлари мавжудлигини келтириб ўтиш мумкин:

- риск - бу потенциал жиҳатдан эҳтимолликка кўра, йўқотиш, хусусан, лойиҳа(лар)ни амалга ошириш жараёнида воқеа(ҳодиса) юзага келиши оқибатида эҳтимолликка кўра, миқдорий ўлчаш мумкин бўлган ноаниқлик сифатида тавсифланади[2].

-риск - йўқотиш ва зарарлар юзага келиши оқибатида режалаштирилган даромад ва фойда олинмаслиги эҳтимоли[3].

-риск - бу истиқболда кутилаётган молиявий натижанинг ноаниқлиги[4].

Риск-менежмент бундай ҳолатда молиявий рискларни ҳар томонлама баҳолаш ва улар билан узвий боғлиқлик бўлган ҳодисалар юз бериши

[1]Айдинова А. Т., Халидова А. Ш. Финансовые риски и методы их оценки в деятельности современных предприятий.//Молодой ученый. - 2015. - №12. - С. 373-375.

[2]Гранатуров В.М. Экономический риск: сущность, методы измерения, пути снижения..М., 1999.4, с. 6.

[3]Миэринь Л.А. Основы рискологии. С.Пб., 1998. С. 5-6.


[4]Risk Metrics, J.P.Morgan/ Reuters. Risk Metrics- Technical Document. URL: http://www.jpmorgan.com/Risk Management/ RiskMetrics/ Risk Metrics.htm

эҳтимолига кўра, келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар бартараф этилишини таъминлайдиган муйян қарорларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ҳамда амалга ошириш методлари ва тамойиллари тизимини ўзида акс эттиради. Айнан шу самара тескари алоқани келтириб чиқаради, бунда риск истеъмоли, умуман, бир вақтни ўзида уни янги даражада ишлаб чиқаришнинг бошланиши саналади, яъни бу ўринда йўқотишларни минималлаштириш рискларни минималлаштиришни англатади.

Рискология назарияси ва амалиётида молиявий риск даражасини баҳолаш учун риск-менежментнинг аниқ вазифаларини ҳал қилишга имкон берадиган фукционал методик инструментарий ишлаб чиқилган (1-расм).

Молиявий риск даражасини миқдорий баҳолаш учун методик инструментарий. Мазкур инструментарий кенг кўламли саналади. Шунинг учун турли хил иқтисодий-статистик, эксперт ва анологияга кўра баҳолаш методларини ўз ичига олади. Муайян баҳолаш методларини танлаш ахборот базаси мавжудлиги ва бошқа омиллар билан белгиланади.

Иқтисодий-статистик методлар молиявий риск даражасини баҳолашнинг асоси саналади. Ушбу методнинг моҳияти шундан иборатки, бу жараёнда ишлаб чиқаришда кузатилган фойда (зарар) статистикаси динамикасини кутилган натижага эришиш даражаси ва даврийлигини аниқлаш орқали прогноз амалга оширилади.



1-расм. Рискларни бошқаришда молиявий риск даражасини баҳолашга методик ёндашувлар[5]

Юқоридагилардан келиб чиқиб, таъкидлаш мумктнки, “молиявий риск” категорияси кўрилиши эҳтимол бўлган муайян салбий ёки ижобий натижани англатади.

Молиявий риск ҳам моҳиятан статистик кўрсаткичларга асосланган ҳолда бошқа рисклар каби бирмунча аниқ ҳисоблаб чиқилиши ва прогнозланиши мумкин бўлган зарар(йўқотиш)ларнинг математик эҳтимоллигини ўзида мужассам касб этади. Бу ўринда қайд этиш лозимки, режалаштирилган муайян фаолият ёки операциядан кутилиши эҳтимол бўлган рискни баҳолаш иқтисодиёт субъектидан юқори малака ва тажрибани талаб қилади. Бошқарув юзасидан тегишли қарорни қабул қилиш ва амалга оширишда рискнинг тизимли ва мураккабликни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Молиявий рискни аниқ мезонларга кўра баҳолашда муайян фаолият(ҳаракат)дан кўрилиши эҳтимол бўлган ҳодиса оқибатлари эҳтимоллигини билиш талаб этилади.

Хулоса тарзида таъкидлаш мумкинки, рискларни баҳолаш методлари тизимли қўллаш, баъзи методларни бошқалари билан ўзаро мувофиқлаштириш замирида молиявий риск даражасини баҳолашнинг замонавий услублари, хусусан, Ўзбекистон суғурта ташкилотлари фаолият(молиявий операциялар)ни бошқаришда концептуал ёндашув шаклланишига омил бўлади.

[5]Қуйида келтирилган муаллифларнинг илмий тадқиқотларини таҳлил қилиш асосида муаллиф томонидан тузилган: Мусатова Т.Е. Методические подходы к оценке влияния финансовых рисков на деятельность дорожного предприятия. // Научное обозрение. Экономические науки. - 2016. - № 2. - С. 152-167; Закирова Э.Р., Шеина Е.Г., Астанакулов О.Т. Методические подходы к оценке эффективности управления инвестиционными и финансовыми рисками субъектов хозяйствования.//Финансы и управление. - 2019. - № 2. - С. 27 - 36; Ванькович И.М. Совершенствование оценки влияния финансовых рисков на деятельность компаний (08.00.10 – Финансы, денежное обращение и кредит) Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук, М.: 2016, -С.17-18; Рахманова М.С. Методика управления финансовыми рисками малых предприятий.//Фундаментальные исследования.- 2015. - № 12-3. - С. 638-642; Барабанова В.В.Международный опыт оценки платежеспособности страховых компаний (Специальность 08.00.14 – Мировая экономика) Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. М.: 2019, - С. 126-134 и др.